

БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИДАН ХАТЛАР

ЙИҒИЛИШДАН
МАҚСАД
ШУМИДИ?ПАРТИЯ ЙИҒИЛИШИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР
БИРИНЧИ ХАТ

«Ҳар бир йиғилиш партия ташкилоти ҳаётидаги муҳим воқеа бўлиши, бутун ишнинг яхшилашга ижобий таъсир ўтказиши лозим...»

КПСС Марказий Комитетининг «Ярославль шаҳар партия ташкилотидан партия йиғилишларини ўтказиш практикаси тўғрисида»ги қароридан.

Қишлоқ ҳўжалигида меҳнатин илмий асосда ташкил қилиш янги нарса. Унга эндиликда қўл урилмоқда. Маблағни расмади билан ҳар қандай ҳаракат билан қўл фойда олиш, даромадга яраша буромад бўлишга эришиш, илмий бори-ча оғир меҳнатни меҳнатшўнақиялаш тарафдорлари қишлоқ ҳўжалигида истатганга топилади. Лекин НОТ планларини тузиш, шу бўйича меҳнатин илмий асосда ташкил қилишга астойдил киришган ҳўжалиқлар республикамизда ҳали кам. Шундай бўлса ҳам айримлари бу соҳада анчагина иш қилиб қўйган, ўрғанса арзийдиган тажриба топилган. Айнқиса, Андиқон обласи, Ўзбекистон раёонидан «Октябрь 50 йилгига» совхозиде НОТ илдон-йилга ҳўжалиқнинг ҳамма тармоқларини қамраб олмақда. Совхоз маъмурияти ва партия ташкилоти меҳнатин илмий асосда ташкил этиш соҳасида маълум иш олиб бориб, қисқа вақт ичида талайгина ютуқларни қўлга киритди. Бу ерда НОТ Совети тузилган. Унинг тажрибали суварлар, меҳнатшўнақиялар, бригадир ва мутахассислардан иборат 15 аъзоси бор. Совхоз директори — Советнинг раиси, партокм секретари — унинг ўринбосари. Бундан ташқари, тармоқлар бўйича алоҳида иккидан бригада ва гуруҳлар тузилган. Уларга 126 пахтакор ва чорвадор уюшган бўлиб, уларнинг учдан икки қисминини коммунистлар ташкил этади.

Пахтачилар бўйича тузилган иккидан бригадалар аввал совхознинг беш йиллик ҳўжалиқ феолиятини таҳлил қилиб чиқдилар. Меҳнатини ташкил қилишнинг янги форма ва методларини ўргандилар. Ишдаги камчиликларини, биринчи гада қаерда НОТ ни жорий қилиш кераклигини аниқладилар. Кейин совхоз бўйича 1969—1971 йилларга мўлжалланган НОТ планни тузиб чиқдилар. Бу жа-раёнда иккидан бригадалар қўл меҳнатини кескин қамайтириб, техникадан оқилона фойдаланиш, махсулот этиштиришни қўлайлаштириш, унинг таннархини арзонлаштиришнинг янги янги йўллари ва резервларини қидириб топдилар.

НОТ термини меҳнатшўнақиялаш жуда қўл келиб, теъдда ўз самарасини кўрсатди. Терим ер-галларнинг ишини тўғри ташкил этиш натижасида бункиерлардан тўқилган пахта кейинги вақтда 12 минг тоннага етди. Ваҳоликчи, бундан 5-6 йил аввал бу кўрсаткич 1,5-2 минг тоннадан ошмаган эди. Совхоз НОТ плани бўйича ҳар йили фақат теримини машиналаштириш эвазига, ҳаракатини кескин қамайтириб 45 минг сўм маблаг тежиб қўлишни планлаштирмоқда.

Совхозда НОТ жорий этилгандан бери анча янгилар бўлиб. Пахта терими маҳаллада селарлар ўз иш жойларини далага қўйишди. Машина-термалар ва тележаларда пахта ташин диспет-чар ёрдамда, ҳаво радиостанциялари орқали бошқарила бошланди. НОТ фермаларга ҳам кириб борди. Чорва моллари марказлаштирилган тартибда боқилгандан бўлиб. Ём-ҳашак ва сипос тарқатишни меҳнатшўнақиялаш соҳасида талайгина ишлар қилинди. Фермадаги меҳнатшўнақиялар соҳаб тўраданга махсус селарлар звеноси ташкил этилди. Техника ремонтни ишлари ҳам НОТ асосида олиб бориладиган бўлиб.

Беда ўриш технологиясини ўзгартириш. Беда ўрилган, бир вақтинчи ўзда тўпланиб «СК—2,6» силос комбайни билан қирқишга қўйилди. Силос ўрагари фермаларга яқин жойларга қўйишди.

Буларнинг ҳаммаси беҳуда ҳаракатларини кескин қамайтириб, арзон махсулот этиштириш им-конини бермоқда. Бир сўз билан айтганда, НОТ пахтачилар ва чорвачилиқнинг катта фойда келти-радиган рентабелли тармоқларга айлантиришнинг оқиди йўли экани кўриниб қолди. Совхоз пахта-

чиликдан ҳар йили 2 миллион сўм атропола фойда олмақда. Чорвачилиқ махсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ут-ган йили ҳар бош сигирдан 1736 ўрнига 1830 литрдан сут солиб олинди, давлатга 360 тонна ўрнига 402 тонна гўшт сотилди. Сигирларнинг салмоқини аввалгидан 40 процент оширишга эришилди. Совхоз чорвадорлари бўлтур социалист-тик мусобақада тўрт марта галиб чиқдилар, уч марта обласи, бир марта республика кўчма Қизил байроқини олишга муваффақ бўлишди.

Ана шунинг учун ҳам биз совхоз партия коми-тети навабдаги партия йиғилишига «Меҳнатини илмий асосда ташкил этиш учун курашда комму-нистларнинг авангардлик ролини ошириш» мас-ласини қўйганини эшитиб, бу йиғилишда қатна-шишга аҳд қилган эдик. Энди шу партия йиғили-ши ҳақидаги мулоҳазаларимизни эътиборингизга ҳавола қилаётимиз.

Айрим мажлис ва йиғилишларда ўтириб, одам вақт қандай ўтиб кетганини билмай қолади. На-ҳотки, нотик нутқини таломлади деган ҳаёлга боради, унинг яна гапирганини истайди. Лекин илож қанча, доклад тугаган. Энди одамлар но-тиқ миннатдорчилик билдиришга ошқоқдилар. Чин юракдан қарасак чалиб раҳмат айтишди. Нотик минбардан тушиб ўз жойига бориб етган-да ҳам олқис тинмади.

Безан бунинг акси бўлади. Нотик ўз ҳолича, тинловчилар ўз ҳолича. Нотик докладдан четга чиқиб кетмасин деган гамада, қороздан бош кўта-риб текстини шарҳлаётган одамдан роса гайёр-ланган. У одамларга бирор янгилик айтишга ҳаракат қилади. Ишдаги муваффақиятлардан кўра бартараф этилишни шарт бўлган нуксон ва камчиликларини, уларнинг содир бўлиш сабаб-ларини таҳлил қилади. Нуксонларни тўғатиш ҳақи-да аниқ ва пўнда, содда ва қисқа гапирди. Унинг нутқи жозибадор бўлиб, одамнинг диққатини ўзига тортиб туради. У гапирганда ўзини эри-кин тутди, ора-чора текста қарайди, ҳолос.

Иккинчи нотик-чи Таломан ўзга олам. Унинг тексти шўша-шўшарлик билан ёки бошқа би-ролар томонидан тақрирланган бўлади. Аввало мазмун саёз, услуби раво бўлмагани учун тинловчиларни қаноатлантирмайди. Кейин нотик қорозга ёпишиб олиб, ҳарфхўрлик қила бошла-ди, тинловчиларнинг илоси қайтади-қўяди. То янги-лиқ охиригача энгаси қотиб ўтирмади. Бундай нутқ ҳаммага маълум бўлган масалаларни таъкид-лашдан бошланди. Агар у коллективнинг ишлаб чиқариш феолияти ҳақида тўхталадиган бўлса ҳам, рақамларини қуруқ санабдан нарига ўт-маёйди. Таҳлил қилмайди. У тарбиявий ишнинг аҳолига тўхталмайди. Гапирса ҳам қўрилган тадбирларини санаб қўйолмади. Камчиликдан кў-ра ютуқларини гапирганга руҳу қилади.

«Октябрь 50 йилгига» совхознинг партокм секретари Абдухаким Абдулхамидовнинг партия йиғилишидаги доклад ҳам худди шундай ҳисси-за ва ҳароратсиз нутқлардан бири бўлди. Комму-нистлар бундай «жонсиз» доклад эшитишни кут-маган эдилар. Қўн тартибига қўйилган «Меҳнат-ини илмий асосда ташкил этиш учун курашда коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш» масаласи қўнчиликни қизқитиб турган эди. Улар докладда принципал гаплар айтилишини, НОТни жорий қилиш бўйича шу қўнчага қилинган иш-ларга яқун яслишини, нуксон ва камчиликлар аввасиз очиб ташлалишини, НОТ совхозга нима бериши мумкин, ундан қандай наф қўрилади, бу ишда коммунистларнинг авангардлик роли қан-дай бўляпти деган қатор саволларга конкрет жаваб кутган эдилар. Лекин афсуски, докладда бу ҳақда гап бўлмади.

Йиғилишга раислик қилувчи доклад учун партокм секретарига сўз берганда у шўшил-ганча минбарга чиқиб доклад текстини шарҳ-лаётганга ўқинганга тушди-ю, шу билан биз қис-м одамларнинг ҳарсаласи пир бўлди-қўйди. Яна бир қисм одамлар одоб юзасидан ўзларини доклад эшитётганга солиб ўтирибди. Лекин ҳали қўнчилик диққат билан секретарга қўлоқ тутарди. Унинг докладдаги тушуниш мушкул бўлган термин ва ўзундан-ўзоқ гапларнинг маъ-нини қақшига ҳаракат қилар, принципал бир гап айтилишини кутарди.

Беш минут кўтишди, ўн минут кўтишди. Ўн беш минут тоқат қилишди. Лекин ўзларини қизқити-рган масалалар ҳақида гап бўлмади. Докладчи негадир асосий масалаларни четлаб ўтиб, ютқ-ларни пеш қилишга, мисолбозликка берилиб кетган эди. Партия ташкилоти қандай тарбиявий-ташқилий ишларни бажари-ю, НОТ совхоз ишчиларига нима бериб берди? Коммунистлар қан-дай жонбозлик кўрсатишди-ю, ишда қандай янгилар бўлди? Докладда бу ҳақда гап йўқ эди. Бўлса ҳам умумий гапдан нарига ўтмасди.

Шунинг учун ҳам аста-секин одамлар ўзлари билан ўзлари бўлиб қолди. Ким мураб ўти-ради, ким журнал варақлайди, ким газета ўқий-ди. Ким дераздан ташқарига қараб ҳаёл сура-ди. Баъзилари бир-бирлари билан пичир-пичир гапта тушиб кетишган. Энди докладчи ҳеч ким эшитмай қўйганди. Секретарга «ким учун док-лад қилгансан» дейдиган одам йўқ эди, ҳолос.

Нега шундай бўлди? Доклад ҳисси ёки бошқа бадий нарса эмаски, уни ширали тил билан бадий қилиб ёзилса. Ёки у ҳажвия эмаски, қўнгири қис-татадиган воқеалардан иборат бўлса. Партия йиғилишига таёйрланган доклад ҳар бир масала-га тарбиявий принципаллик билан ёндашилган, коммунистлар олдига вазифа қўйган, ютқларга яқун асаб, қамчилик ва нуксонларни рўй-рост очиб ташлаш, йиғилишда танқид ва ўз ўзини танқид руҳини тўғдириш билан ақралаиб туради. Докладда кўтарилган масала қўнчилиқ мўлҳи ва ҳаётий бўлса, бу масала докладда қўнчилиқ э-ши таҳлил қилиб берилса, у йиғилиш қатнашчи-ларининг диққат-эътиборини шўнчалик тортиб олаверадди. Ҳар қандай мураккаб проблема ҳам чуқур таҳлил этиб бериладиган бўлса, уни шўб-ҳасиз қўнчилик қизқитиб билан кўтиб олади.

Партокм секретари А. Абдулхамидовнинг док-ладиде аса, худди ана шундай таҳлил йўқ эди. Докладчи аввало ўзига топширилган вазифани чуқур ҳис этмаган, айтмоқчи бўлган фикрларини коллективга етказиш йўллари ҳақида унчалик бош қотирмаган. У фактларни баҳолаб, мағзини қақиб бера билмади. Текстини бир оҳангда ўқий-верди. Бир масалага такрор-такрор қайтаверди. Докладда изчиллик йўқ эди. У пахтачилардан кейин чорвачилиқга тўхтади, ундан яна машина теримига қайтди. Кейин аса сув таққислигига ўтиб кетди. Нихотат, яна чорвачилиқка қайтди. Қайтарчи гаплар коммунистларга унча хўш кел-магани уларнинг хати-ҳаракатидан шўндоқ се-зиниб турар, докладчининг гапларига қўлар қўлоқ солмай қўйган бежиз эмас эди.

Докладчи қишлоқ ҳўжалигида меҳнатини илмий асосда ташкил қилиш натижасида қўлга ки-ритилган ютуқларини аралаш-қуралаш баён қилган, камчиликлар ҳақида ниҳоти беш-тўрт оғиз гап айтди, ҳолос. У ҳам бўлса, «суғорилгандан ерлар-дан фойдаланиш ёмон, совхознинг 1—5 бўлим-ларида махсулот таннархи қиммат, совхозда кадр-ларнинг малакасини ошириш, ишчиларнинг дам олишини ташкил қилиш соҳасида камчиликлар бор» деган умумий гаплар бўлди.

Худди НОТ ни жорий қилиш соҳасида ҳамма ишлар силлиқ кетётгандай, айрма раҳбарлар, мутахассислар ардасига, ёки бирор коммунист адресига танқидий гап айтилмади. Ўз-ўзини тан-қид ҳам бўлмади. Масаланинг қўнчилиқ докла-да қандай бўлса, ўшандай қолди. Доклад учун 25 минут вақт ажратилганга қарамай, у 25 минутдан ҳам ошмади. Қўнқи докладда ишдаги камчилик ва нуксонларнинг сабабларини очиб ташлаш, коммунистларнинг олдига вазифалар қўйиб ўқитилган эди. Бўлтур совхозда пахта план-ни бажаришда қолди. Лекин докладчи бу ҳақда пом-қим демади. У коммунистларга қизқитиб тўғ-дирадиган, фикр ўйготадиган масалаларга кам тўхтади.

Партия йиғилишидан бир ҳафта олдин совхоз партокм комитети НОТ ҳўда райком бюросида ҳисоб бериб келганди. Бюросида совхоз партия ташкилоти адресига жўддий гаплар айтилган эди. Лекин партокм секретари райком бюроси-нинг фикр-мулоҳазаларини коммунистларга етказ-ишни таҳлига ҳам келтирмади. Назаримизда, доклад шўша-шўшарлик билан ёзилган, у бир қизқинчи фикр бўлиб қолган, совхоз партия комитети аъзолари муҳокамасидан ўтмайдиган кўринди. Буларнинг ҳаммаси музокарада ҳам ўз асоратини кўрсатмай қолмади. Бу ҳақда келгуси хатларда алоҳида тўхталишни лозим кўрди.

А. ҚУРОНБОВ,

У. АБДУАЗИМОВ,

М. МАНСУРОВ.

«ЛЕНИН
БИЗ БИЛАН»(РЕСПУБЛИКА БАДИИЙ КўРГАЗМАЛАРИ
ЗАЛЛАРИДА).

* «Ленин биз билан» —

Тошкентдаги тўртта кўр-

газма залларида доҳий

В. И. Ленин туғилган

кунининг 100 йилгига

бағишланиб ташкил этил-

ган Ўзбекистон расм-

лари, ҳайкалтарошлари,

графика ва амалий санъ-

ат усталарининг асарла-

ридан ташкил топган ба-

дий кўргазма шу кун-

ларда одамлар билан

гавижу бўлмоқда. Су-

ратларда: (юқоридан

паста) шу кўргазмалар-

да намоий этилаётган

ҳайкалтарош В. Ванянин

«Саминий суҳбат»

расм К. Чепрановнинг

«Аппассионата», расм

Р. Ахмедовнинг «1924

йил, январь (Ленинга

қасам)» асарларининг

репродукциялари.

И. Глауберзон

фотолари.

* А. ЮСУПОВ.

ДЎСТЛИК
АЛОҚАЛАРИ

Монголия Ҳалқ-революцион партия-си, Марказий Комитети Сийёсий бю-росининг аъзолигига наидат, партия Марказий Комитетининг секретари В. Лхамсуур бошчилигида Мон-голия Ҳалқ-революцион партияси партия ҳодимларининг делегациясини 15 мартда Ўзбекистон билан танишчи-ни Тошкентни кўриб чиқилган бош-лади.

Қардош республикалар бинонорлар-нинг ёрдами билан қурилган янги уй-жой кварталлари, В. И. Ленин но-мидаги майдонни реконструкция қи-лиш ишлари меҳмонларнинг диққат-эътиборини тортиди. Делегация аъ-золари шу майдонда қал кўтарган Ле-нин музейини аур қизлар билан кўздан кечиришди. Монголия вақчалари Ўзбекистон Ҳалқ ҳўжалиги ютуқлари аъзавақсини бориб кў-рди.

Қадимий ва навирион Тошкент билан учрашиб бизни қувонтирди. — деди В. Лхамсуур. — Ўзбекистон пойтахти Совет-Монголия дўстлиги-ни ривожлантириш тарихига қўнчи-ла ёрқин савқифалар ёган. У, ёшлар-нинг фестивали ўтказилган жой бўлиб қолди, санъатини усталари бу шаҳарда ўз маҳоратларини намо-ий қилганлар. Тошкент бунёдкор-лари ишларини тўбора кенгайтираёт-ганлиги бу шаҳарда совет ишчилари ўртасидаги қардошларча дўстлиқнинг улуглиги яқин сезилиб турибди.

Делегация аъзолари Ормониде раёондаги «Қизил Ўзбекистон» кол-хозини бориб кўришди. Улар колхоз коммунистлари билан суҳбатлашиб, қишлоқ меҳнатчилари орасида олиб борилаётган идеология ишнинг таъ-рибларига доир кўнгина саволлар беришди. Сийёсий ташкилотчилар ва сийёсий ахборотчиларнинг, турмуш маданияти университетининг фаоли-ти меҳмонлари қизқитди. Суҳбат-да раён партия комитетининг раҳ-барлари қатнашди ва Монголия-нинг партия ҳодимларини бошқа колхозлардаги идеология иш қи-лай таҳлил этилаётган билан та-наштилди. (ЎТАП).

Фаргона нефтин қайта иш-

лаш заводининг коллектив

план топириқларини мунта-

зам ошириб бажаришга инти-

либ, зафар қўнчпти. Беш йил-

ликнинг ўтган тўрт йилида

пландан ташқари бир неча милли-

он сўмлик махсулот иш-

лаб чиқаришди. 1970 йилнинг

дастлабки икки ой топириқ

ҳам муваффақиятли ўрилганли-

ди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва ҳалқ ҳўжалигида тежамкорликка қаттиқ риоя қи-лиш ҳақида»ги хатига завод коллективни амалий жаваб бер-ляпти. Нефтин қайта ишлашчи-лар ишлаб чиқариш самарадор-лигини ошириш резервларидан ҳали тўла фойдаланилмапти, деб ҳисобламоқдалар. Заводада ўтказилган йиғилишда ишчи-лар, инженер-техник ҳодимлар ва хизматчилар ўз сўзлариде резервлар ҳар бир коллектив-

САМАРАДОРЛИК УЧУН

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ВЦСПС ВА
ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ХАТИ МУҲОКАМАДА

да, барча ишлаб чиқариш устак-каларида борлигини таъкидлаш-ди. Ташаббускорлик, ижобий ила-шини қўнчатирилса, янада қўл-роқ ва юқори сифатлироқ мах-сулот ишлаб чиқариш билан таннархни арзонлаштириш им-кониятлари топилиши ҳақида фикр юритилди.

— Бизнинг коллектив завод-да биринчи бўлиб ўзининг 1969 йил учун қабул қилган мажбу-риятини шараф билан ўринлат-ди. — дейди 2-цех бошлиғи В. Иванов. — Ленин юбилейи йилида таърифидан ўнб ишла-лимиз. Аммо фойдаланилмаёт-ган имкониятлар ҳам аз эмас. Биз ишлаб чиқариш тежам-корлигини тақомиллаштириш, би-тум установамизда юк ортинш ва уни тушириб олиш ишлари-ни механизациялаштириш тад-бирларини ишлаб чиқардик. Бу

йилига қўнчимча равишда 370 минг сўм маблаг тежаб қилиш имконини берди. Шу билан бирга қўл қўнчага асосланган ишларни бажарётган 30 ишчи-ни қорхонанинг бошқа устак-каларига ўтказиш мумкин бўла-ди.

Қорхона 4-цехнинг бош оператори А. Охунов ўз сўзида технология процессларини тако-миллаштириш ва меҳнатни таш-кил қилиш яхшилаш масала-ларига тўхтади. Цехда ре-агентларни юклаш ҳамда туши-риш ишлари механизациялашти-рилмаган. Арматураларга катта эҳтўж сезилмоқда. Транспорт ҳам еттишмай қолган. Ана шу қамчиликларни бартараф қи-

лиш, меҳнат унумдорлигини ян-ча ошириш имконини беради. Коллективимиз томонидан иш-лаб чиқилган янги тадбирларда махсулот сифатини яхшилашга алоҳида эътибор берилади. Ичи резервлар пухта ҳисоб-қитоб қи-линиб, янги мажбурият олики.

Нефтин қайта ишлаш заводи коллективни асосан аҳил ва ни-тизомли. Бироқ ишчи шарафли қадрамаётган баъзи ўртоқ-лар ҳам бор. 8-цехнинг А. Се-ренин шу ҳақда гапирди. Но-тиқ прогучиларини, ишга ке-чи-киб келадиганларини, коллектив мафратларини менсимаётган-ларни қаттиқ танқид қилди. Уларга нисбатан шафқатсиз ку-

раш олиб бориш керак, — дей-ди ўртоқ Серенин.

Йиғилишда иш вақтидан те-жамли фойдаланиш масалала-рига жўддий аҳамият берила-ди. Вақтдан самарали фойда-ланишга, беҳуда сарфлар қа-майиришга ишлар янада юри-шиб кетади. Махсулотни қўн-чатиришнинг анчагина резервлари ана шундидир. Бу ҳақда 8-цех бошлиғи В. Чугуев гапирди. — Резервларни эътиборга олиб, — дейди у, — цех коллективни ҳар бир операцияда икки-уч минут-дан вақт итисод қилишга қарор қилди. Меҳнатни ташкил этиш-ни тақомиллаштириш ҳисобига технология установақаларини ре-монт қилиш мўддатни 32 кунга қисқартирлади.

Технология установақаларини ре-конструкция қилишда ҳам кат-

тагина резервлар бор, — дейди 1-цехнинг установақалар бош-лиғи А. Селенек. — Мақур тадбир-ларни амалга ошириш юбилей йилининг ўзида қўнчимча бир неча ўн минг сўмлик махсулот ишлаб чиқаришни таъминлайди.

3-цех меҳнатини Г. Сагитов, 5-цех бош оператори К. Холи-қов, завод бош инженери В. Верба ўртоқлар ижобий ташаб-бускорлигини қўнчатириш. — те-жамкорликка қаттиқ риоя қи-лиш, меҳнат иттизомини му-стаҳкамлаш тадбирларини ҳақида сўзланди.


Технология установақаларини ре-конструкция қилиш, ремонт мўддатларини қисқартириш, меҳнатини илмий асосда уюшти-риш, тежамкорликка қаттиқ ри-оя этиш, иш вақтининг ҳар бир дақиқасида алоҳида юбилей йили охиригача планда қўзда тутил-гандан 400 минг сўм қўл фойда олинди. Йиғилиш қат-нашчилари ана шундай қарорга келишди.

А. ХУСАНОВ,

А. ЭШОНОВ.




Тошкент Совет Шарқининг йи-рик сановат, маданият ва фан шаҳарларидан биридир. Кейинги гўрт йил ичида пойтахтимизда уй-жой, маданий-машиини мусассалар қурилиши, айнқиса мадал суръ-атлар билан борди. Мамлакатимиз даги қардош бинонорлар катта ҳиммат кўрсатиб, она шаҳримиз аҳолисига кўндан-кўн хўшбинчи уй-жойлар, маданият саройлари, ошқоналар, болалар богча ва е-слилар, мактаб биноларни ҳада этидилар. Суратда: Тошкентнинг Навоий кўчасидаги бугунги ва ўт-мишдаги манзараси тасвирланган.

А. Душини фотоси. (ЎТАП).



МОСКВА — ТОШКЕНТГА

ПОЙТАХТ ҚУРУВЧИЛАРИ ТОШ-
КЕНТДА 230 МИНГ КВАДРАТ МЕТР
УЙ-ЖОЙ ҚУРИБ, БИНОКОРЛИК
ИШЛАРИНИ АСОСАН ТУГАТ-
ДИЛАР.



1400 КҮН

В. КУПЦОВ.

Ленин ордени «Главмосстрой»нинг Тошкентдаги қурилиш бош бошқармаси партия ташкилоты секретари.

ТОШКЕНТ бошига табиий офат тушган кун ҳали-ҳали ёдимда. 1966 йилнинг 26 апрель тоғида тошкентликлар билан бирга бутун мамлакат безовталаниб уйғонди. Ушанда оғаниларимиз бошига тушган кулфат ҳар бир меҳнаткашнинг қайғусига айланган эди. 28 мингдан кўпроқ уй шикастланган, минглаб оилалар бошпанасиз қолган эди. Офатдан дарак топган бутун мамлакат Ўзбекистон пойтахтига меҳр кўзи билан тикилди.

Уша кунларда Москва қурилиш ташкилотларига аризалар ёғилиб кетди. Ҳама Тошкентга отланаётган бинокорлар сафида бўлишни истарди. Москва шаҳар партия комитетида ташкил этилган Тошкентдаги зилзила оқибатларини тугатиш бўйича комиссия қисқа муддатда кунгиллардан 3 минг кишидан иборат 4 та қурилиш-монтаж бошқармаси тўзди. 1966 йилнинг 26 майида Тошкентга етиб келди. Серпухов республиканинг қалби қурилишчиларига таъин берилди. Ёр елиниб турган эди. Ана шулар оғир кунлар бўлишига қарамай, москваликларга аниқлаб меҳмондўстлик кўрсатишди. Зўр таъана билан кунбодилар. Кучогимизни гулдастлар билан тўлдириб ташлашди.

Шу кунгидеки шаҳар айландик. Кўчаларда чодирлар тикилган эди. Назирама ёз кириб келипти. Халемай кўча, кейин — ишчи эшик конади. Одамларга бошпана керак. 1-Москва лойиҳалаш бошқармасининг А. Рогов бошчилигидаги коллективни флот қисқа муддатда тайёрлаб берган лойиҳа-смета хужжатлари йўлланма бўлди. Поезддан тушдигу ишга шўғил кетдик. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари бизга зарур бўлган ҳамма шароитни яратиб берди. Чилонзордаги 26-кварталда зудлик билан қурилиш бошлаб юборилди.

Мамлакатимизнинг турли чеккаларидан ҳашарга келган қурувчилар зилзиладан зарар кўрганлар учун тезроқ уй-жой қуриб беришга шўғилланди. Бинокорлар ўртасида дастлабки унинг биринчи бўлиб тошкентликларга инъом этиш учун мусобақа бошланиб кетди. Ишга ташкил этилган кишичиликлар ҳам. Урта Осиёнинг 1966 йилдаги ҳазинама иссиғи ҳам бинокорларимизнинг иш суръатини пасайтира олмади. Бошқарма-миздаги 500 коммунист энг масъулиятли участкаларга қўйилди. Улар қурилишга бош-қош бўлдилар, иш оғир участкаларга шахсий намуна кўрсатдилар. Партия аъзоси Константин Пилипенконинг комплекс қурилиш бригадаси пойтахт бинокорлари ачди биринчи бўлиб 5 қаватли уй-жой қурилишини тамомлади.

О. Сафонов, А. Кудряшев, А. Москопцевлар етакчи бўлган бригадалар бу коллективнинг тежкорлиги билан ишлаш тажрибасини дастуриламат қилиб олди. К. Пилипенко бригадасининг тажрибаси 1966 йил охиригача 35 минг квадрат метр уй-жой қуриш вазифасининг тўла бажарилишига катта ёрдам берди. Қурувчиларнинг ажойиб таомили бор. Уста босқин санъ-

атингиз эл кўрсин, дейишди. Тошкент қурилишида меҳнаткашларнинг талаби, диди ҳамда иқлим шароити ҳисобга олинди. Зилзилага чидамли 9 қаватли уйлар ҳам қурилди. Иттифоқимизда илк бор тажриба сифатида қурилган бу уй-жойлар ҳозир Тошкент кўрғини очиб юборган.

Мамлакатимиз, тарихда қардошлик тимсоли бўлган мисоллар жуда кўп. Улар Ватан уруши йилларини эсланг. Уша вақтда ўзбекистонликлар Ватан ҳимояси учун бор-бисотини беришга тайёр турган эди. Улар жангчиларимизга мадад беришди, эвакуация қилинган минглаб оилаларни, минг-минглаб болаларни бағриларига олдилар. Тошкент бир миллион кишига бошпана берди. Уша қўчқир келтирилган кишилар, болалар орасида москваликлар ҳам бор эди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 40 йиллик тўйида халқнинг бу хизматини ҳурмат билан тилга олиб ўтди.

Баҳри ҳола ва Шоҳмад ота Шоҳамудовлар онласининг доғруғи етмаган хонадон кам. Турли миллат фарзандлари бўлган 14 ўғил-қизини тарбиялаш ўзбекларнинг меҳри оламидиги бир мисол. Тошкентга келганимиздан кейин бундай оилалар кўп эканлигини кўрдик. Бу оила билан яқиндан танишиш юртимизда идиқ таассурот қолдирди.

Улар Ватан урушида ўзбек жангчилари мамлакатимизнинг гарбни қисмида — Белоруссия, Украина, Болтиқ бўйи республикаларида, Россия Федерацияси ерларида жанг қилган эди. Ҳозир Тошкентда бутун-бутун кварталлар, уй-жойлар тикланган бу республикалар тўғрисида сериқуш ўлкадан бориб Ватан озодлиги йўлида ерга бос қўйган жангчиларнинг қабрлари эъзозлаб сақланмоқда. Ўзбек пахтаси кўп шаҳарларда, жумладан Москвада қайта ишланмоқда. Унинг «зангори олов» республикадан ташқарида миллионлаб хонадонларни иситмоқда, завод ва фабрикаларни юртизмоқда.

Қардош республикаларнинг қон-қардошлик замини тўқур. У ҳар қадамда, ҳаётимизнинг ҳар нафасида ифодасини топти. Ҳисобларга кўра зилзилада 2 миллион квадрат метр уй-жой бузилган экан. Бугунга келиб, янги қурилган уй-жойларнинг ўзи 3 миллион квадрат метрдан ошиб кетди. Шундан 230 минг квадрат метрини москваликлар тиклашди. Бу ишда учун барча қўлайликлар яратилган 5825 кватрга деган гап. Ҳозир бу уйларда 23 минг киши истиқомат қилмоқда. 300 та ташкилотда жамланган келган москвалик 15 минг қурувчи бундан ташқари 9680 ўринли 3 та мактаб, 1960 ўринли 7 та болалар боғчаси, Чилонзордаги 26-кварталда жамоат-савдо маркази, 9 та савдо марказини фойдаланишга топширди. Ушан билан Н. Лагутина, З. Мусаев, В. Гальпер, Г. Гасанов, В. Гуркин, А. Рязанов, В. Суликин сингари қурувчиларнинг ҳиммат-саҳвати муҳасамманган.

Москвалик бинокорларнинг қардошлик ҳиммати — Тошкентда зилзила оқибатларини тугатишдаги хизмати партия ва ҳукуматимиз томонидан юқори баҳоланди. 50 бинокор ордени ва медаллар билан, 320 киши Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирланди. 2300 кишига «Тошкент бинокори» нишони берилди. 400 киши Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Советининг Фахрий Ёрлиқлари билан мунофотланди.

Тошкентда 1400 кун бўлди. Ҳар кун ўртача 4 та қават қурилди, ҳар кун 4 оила москваликлар қурган уйларда ҳовли тўйлар ўтказди. Ҳар кун зилзиладан зарар кўрган тошкентликларнинг чин қалбдан айтган миннатдорчилик сўзларини эшитдик. Ўзбекларнинг «Раҳмат, барака топинг, дўстлар!» деган сўзлари бизга ҳам тушунарли бўлиб қолди.

Тошкентдан жўнаб кетяйми. Бу ерда ўтказган кунларимиз, ажойиб урғушлар қалбимизда узоқ вақт сақланиб қолади. Офатни масорат билан енгаш шарҳарда 4 уй-жой қаватли ва бошқа бинолар қолдиряйми. Улар Ўзбекистон ва Москва меҳнаткашларининг дўстлиги рамзи — қардошлик уйлари бўлиб қолади.

ФАКТЛАР... РАКАМЛАР...

◆ Тошкентни қайта қуришда мамлакатимиз пойтахтидан келган ўн беш минг бинокор иштирок этди. Улар уч юз ташкилот вакиллари эди.

◆ 1966 йилнинг Октябрь байрами арафасида Чилонзордаги 26-кварталда москваликлар биринчи уй-жой бизнесини фойдаланишга топширдилар. Бошпанасиз қолган 50 оила бу уйга қўчиб кирди.

◆ Уй-жой қурилишида Урта Осиё иқлим ҳисобга олинди. Марказ-1 ва Марказ-2 кварталларида қурилган тўрт ва тўққиз қаватли биноларда ҳаво ёзи-юшун муътадил бўлади. Бинолар лойиҳасини тайёрлашда унинг илгари қурилган уй-жойларга мутаносиблиги ҳисобга олинган.

◆ Қурилиш учун Москвадан 160 минг квадрат метр йиғма темир-бетон, 50 миллиондан ошмироқ гиниш ва пардозбоп блоklar, 167 минг квадрат метр ойна ва эшик блоklари келтирилди. Уларни темир йўл станцияларидан ташкил қилган йиғинчиликлар қалбимизда бир умр ўчмас из қолдирди. Мухбиримиз Х. Қодиров москваликлар бунёд этган уй-жой кварталларида бўлиб, у ерда истиқомат қилаётганлар билан суҳбатлашди.

◆ Чилонзордаги К-26, В-15 кварталларида, Марказ-1 ва Марказ-2 кварталларида 3960 ўринли учта мактаб, салкам 2000 ўринли 7 та болалар боғчаси, 9 та савдо, умумий-овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари бунёд этилди. Ҳозир бу бинокорларнинг деярли ҳаммаси меҳнаткашлар хизматиди.

◆ Ленин ордени «Главмосстрой»нинг Тошкентда ишлаган бошқармаси қурувчилардан бир гуруҳи «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор» деган фахрли унвон берилди. Дурдодор Г. Русаков, инженер М. Сбродов, бошқарма бошлиғи В. Харитонов ана шулар жумласидандир.

◆ Қурилишда бир неча ўн миллион сўмлик иш бажарилди. Москваликлар қурган уйларда ҳозир 23 минг киши яшаб турибди. Бу кишилар шаҳарча аҳолиси деган гап.

◆ Зилзила оқибатларини тугатишдаги хизматлари учун ордени ва медаллар билан мунофотланган Москва қурувчилари орасидаги гишт терувин, сувочи, монтажчилар ҳам анчагина. Жумладан, плитачи Н. Лагутина Ленин ордени, гишт теруви В. Федин Меҳнат Қизил Байроқ ордени, пардозовчилар бригадаси бошлиғи К. Сай, участка бошлиғи А. Титов Ҳурмат Белгиси ордени билан тақдирланди.

◆ Конкуренция бўлган йўқ, лекин мусобақа бўлди. Биз Тошкентда шу ернинг иқлимини ҳисобга олиб, одамларнинг дидини ўйлаб, қуришда дўстларимиз билан мусобақалашдик. Тез, лўхта, чиройли қуришда мусобақалашдик. Мана, ҳозир собиқ Қашқар маҳалласига борсангиз, Урал ва сибирлик бинокорларнинг қурган уйлари қўриб кўзингиз қуяндайди. Айтмоқчи, ана шу уй-жой лойиҳаларини тузган мутахассис ва инженерлардан бир гуруҳи Бутуниттifoқ конкурсида иккинчи мукофотни олди. Ёки Чилонзорни олинг. У ерда

Москвалик қурувчилар Тошкентимиз иқлимини обдон ўйлаб, зилзила бот-бот бўлиб туришини ҳисобга олиб, халқимиз меҳмончилик мероси анъаналаридан ижодий фойдаланиб азим пойтахтимизда янги уй-жой бинолари қурдилар. Ҳозир йигирма уч минг тошкентлик Москва қурувчилари тўхфа этган уй-жойларда ҳузур-ҳаловатда яшамокда. Минг-минглаб фарзандларимиз улуғ пойтахтимизнинг қўли гул бинокорлари бунёд этган мактабларда ўқимокда, боғча-ясилларда тарбияланмоқда. «Москва» маҳаллалари ва даҳалари тошкентликлар учун унутилмас ёдгорлик бўлиб қолди. Суратда: Пушкин кўчасида қурилган муҳташам уй-жойлар.

И. Глауберзон фотоси.

ЯНГИ УЙ МУБОРАКИ

ТОШКЕНТЛИКЛАР ТАШАККУРИ

Бугун қадрдон Москва бинокорларини Тошкентдаги юмушларини асосан тугатганликлари билан қутлаяйми. Ҳиммати зўр қардошларимизнинг бизга қилган яхшиликлари қалбимизда бир умр ўчмас из қолдирди. Мухбиримиз Х. Қодиров москваликлар бунёд этган уй-жой кварталларида бўлиб, у ерда истиқомат қилаётганлар билан суҳбатлашди.

◆ Мухаммад БОНБЕКОВ — (пенсияер): — Зилзила биз яшаган Урчиқ қўчасидаги уйларга ҳам катта зарар етказган эди. «Эскини ямаганингча эсини кетди» дегандек, вақтинча бўлса ҳам шу эски уйларни ремонт қилиб, бир оз яшаб тўйдик. Москвалик қурувчиларнинг Марказ-1 кварталдаги 25-уйини фойдаланишга топширганликлари ҳақидаги хушхабар дилимизни хушнуд этди.

◆ Ойламингиз иккинчи қаватдан 15-кватирани беришди. Тўрт хоналик ҳузурдон уйга қўчиб келдик. Қуя чиқар ҳамда кунботар томонда балкон ва чорси айвон бор.

◆ Мадина деган тили ширин набирман билан ҳар тонг, ҳар кеч гулларга сув қуямиз: — Бобожон, бу уйни ким қурган? — сўрайди у.

◆ Москвадан келган бинокорлар. — Ҳўш, уй қуриб берганга нима дейиш керак? Айтинг-чи? — Ташаккур! — жавоб берди.

◆ Мухаммад АХМЕДОВ — (Монтаж ва соғлаш қурилиш бошқармасининг электр пайвандчиси): — Гапнинг очигини айтсам, тажрибали москвалик бинокорлар қўлдан чиққан 26-қаватдан оромдон 29-кватирасида яшаётганимдан хурсандман. Ойламингиз беш киши бор. Учтаси ёш. Биз учун уч хона беамал етати. Биринчи қаватда...

◆ Москвалик дўстлар шахри-миздан жўнаб кетишадиган экан, уларга чин қалбдан қўлингиз дард-қўрмасин, дейман! Райима МУҲАМЕДОВА — (уй бекаси): — Ўғил ва қизларим билан москваликлар қурган 24-уйини 21-кватирасида ҳузур-ҳаловатда яшайми. Оғиримизни енгил қилган биродашларимиз барака топишсин. Уларга оқ йўл тилайман!

◆ Мистер Сбродов, сиз Тошкентда зилзила бўлганда ҳузур-ҳаловатингизни ўйламай, Тошкентда келдингиз. Москвада қориндош-уруғларингиздан кимлар қолган ва у ерга қайтиб борганингиздан кейин нима иш қиласиз?

◆ Москва яқинидаги шаҳарчада онам яшайди. Биз Тошкентдаги ишларни саранжом-саршта қилмай деб турибмиз. «Главмосстрой»даги ўртоқлар менга бошқарма бошлиғи лавозимини тавсия этишяпти...

◆ Иккинчи қаватдан паста тушиб, ҳовлини ялаёми. Владимир Иванович биринчи қаватда катта «Болалар дунёси» универмаги бўлишини, ҳовлида ҳам гулзорлар, фонтанлар бўлишини айтиб берди. Биз ҳовли рўясини аниқ тасаввур этдик. Бу ҳўшбинчи биноларга қарасангиз ҳаётингизга қалин китобнинг очик турган икки савҳаси келади. Дўстликнинг очик китоби деб ўз-ўзинга гапириб қўяман. Москва бинокорлари бир минг тўрт юз кун ишлаб, шаҳаримизда минг-минглаб қаватларлар

қуришди. Қурувчиларга Владимир Иванович Сбродов сингари иш билармон мутахассислар бош бўлди. Тошкентликлардан 23 минг киши москвалик бунёдкорлар қурган уйларда яшашмоқда. Марказ-1 ва Марказ-2 кварталларини бунёд этар эканлар, москвалик қурувчилар ҳар бир дарахтин илож борича есраб-авайлаганликларини, уй-жойларни безашда ўзбек анъанавий нақшларидан фойдаланганликларини айтиб ўтмоқчимиз...

◆ Владимир Иванович Сбродов суҳбат учун раҳмат айтиб, жўнамоқчи бўлиб турганимизда тинмағур бир журналист яна бир савол ташлади. — Мистер Сбродов, ажойиб уй қурибсиз, ана шу кварталларда кимлар яшашини истар эдингиз?

◆ Бу янги уйда тошкентлик ишчи, хизматчи, олим, элчи, инженерлар яшайди. Кўчиб келадиган ҳар бир қанонда янги уйда бахт-саодат ва сўхат-саломатлик тилайдемиз. ...Владимир Иванович Сбродов билан учрашув бундан икки ой муқаддам бўлган эди. Эндиликда улар ўрни бетиришган. Тошкентликлар бугун-эрта янги уйга қўчиб келишди.

А. АБДУҚОДИРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОБЛАСТЛАРИДА БЕДА ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТАҒРИСИДА

1970 йил 16 мартга бўлган

МАЪЛУМОТ

(гектар ҳисобида)

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — беда экиш плани, учинчи стун — енгилган майдон, тўртинчи стун — планининг бажарилиш процент, бешинчи стун — шу жумладан беда экишларга аралаштириб аниқланган беда

Самарқанд	12.000	11052	92,1	8220
Сирдарё	22.000	18535	84,2	9689
Бухора	11.000	8492	77,2	8271
Қашқадарё	7.500	5653	75,4	1094
Сурхондарё	8.000	5652	70,6	5409
Фарғона	11.000	7748	70,4	5831
Анджон	10.500	7231	68,9	7142
Наманган	9.000	4659	51,8	4659
Тошкент	13.000	6141	47,2	5594
Хоразм	6.000	458	7,63	362
ҚҚ АССР	10.000	14	0,1	14

Республика
бўйича: 120.000 75635 63,0 56285

ДўСТЛИКНИНГ ОЧИҚ КИТОБИ

— Э, бунгажга деймасизми. Мен бу саволнигизга ўзбекларнинг бир нақли билан жавоб бермоқчиман. Дўст ҳисоби кўнгилда, дейишди. Қанақа ҳисоб-китоб бўлиши мумкин. Биз бир оила фарзандларимиз-ку. Уйлари ўз қўчқимиз, маблагимиз билан қурдик. Биздан тошкентликларга ёдгорлик бўйсин, дедик.

— Маъқул. Лекин яна бир саволим бор. — Марҳамат, қулоғимизга. — Сиз Тошкентга келишдан бурун нима иш қилдингиз? Ҳаётингиздан бир сўла гапириб берсангиз.

— Ун етти-ўн савкиз ёшмадан бошлаб Москва қурилишларида ишлаганман. Пойтахтимиздаги янги уй-жой биноларига гишт қўйишда каминангиз ҳам бўлган. Ишлаб кўчи, қурилиш факультетининг кичик бўлимида ўқидим,

уни ҳам битириб чиқдим. Тошкентда келишдан бурун «Главмосстрой»да пробаб эдим. Бундан қарийб тўрт йил бурун, Тошкентда зилзила бўлганини эшитганимда кўнчилик москвалик бинокорлар қатори мен ҳам Тошкентга йўл олдим. Тошкент қурилишларида бинокорлар жуда-жуда зарур эди. Биз виждонимиз амрини бажардик.

Владимир Ивановичга тиниман. Нова, гавдаси келишган, соғин пешана, қўнғир жингалек соғин йигит, кўк кўзлари майкин боқди. Оёғида керозови этик. Пальтоси гавдасига ёпишиб турибди. Зиярак кўзларини муҳбирга тикиб, яна нимани сўрамоқчи-сизлар дегандек турибди.

— Тошкентда сизлардан ташқари ленинградлик, украинлик, сибирлик қурувчилар ҳам иш-лашди, ўртангизда конкуренция, сизнинг иборатингиз билан айтганда

мусобақа бўлгандир! — Савол бериш наъбати сочлари мош-гуруч бўлган ўрта яшар бир аёлга келган эди.

— Конкуренция бўлган йўқ, лекин мусобақа бўлди. Биз Тошкентда шу ернинг иқлимини ҳисобга олиб, одамларнинг дидини ўйлаб, қуришда дўстларимиз билан мусобақалашдик. Тез, лўхта, чиройли қуришда мусобақалашдик. Мана, ҳозир собиқ Қашқар маҳалласига борсангиз, Урал ва сибирлик бинокорларнинг қурган уйлари қўриб кўзингиз қуяндайди. Айтмоқчи, ана шу уй-жой лойиҳаларини тузган мутахассис ва инженерлардан бир гуруҳи Бутуниттifoқ конкурсида иккинчи мукофотни олди. Ёки Чилонзорни олинг. У ерда

ҳам қардош республикалардан келган қурувчиларнинг дастлати — янги кварталлар қад кўтариб турибди. Шаҳар марказида ленинградлик ва украинлик бинокорлар янги маҳаллалар бунёд этишган.

— Мистер Сбродов, сиз Тошкентда зилзила бўлганда ҳузур-ҳаловатингизни ўйламай, Тошкентда келдингиз. Москвада қориндош-уруғларингиздан кимлар қолган ва у ерга қайтиб борганингиздан кейин нима иш қиласиз?

◆ Москва яқинидаги шаҳарчада онам яшайди. Биз Тошкентдаги ишларни саранжом-саршта қилмай деб турибмиз. «Главмосстрой»даги ўртоқлар менга бошқарма бошлиғи лавозимини тавсия этишяпти...

◆ Иккинчи қаватдан паста тушиб, ҳовлини ялаёми. Владимир Иванович биринчи қаватда катта «Болалар дунёси» универмаги бўлишини, ҳовлида ҳам гулзорлар, фонтанлар бўлишини айтиб берди. Биз ҳовли рўясини аниқ тасаввур этдик. Бу ҳўшбинчи биноларга қарасангиз ҳаётингизга қалин китобнинг очик турган икки савҳаси келади. Дўстликнинг очик китоби деб ўз-ўзинга гапириб қўяман. Москва бинокорлари бир минг тўрт юз кун ишлаб, шаҳаримизда минг-минглаб қаватларлар

қуришди. Қурувчиларга Владимир Иванович Сбродов сингари иш билармон мутахассислар бош бўлди. Тошкентликлардан 23 минг киши москвалик бунёдкорлар қурган уйларда яшашмоқда. Марказ-1 ва Марказ-2 кварталларини бунёд этар эканлар, москвалик қурувчилар ҳар бир дарахтин илож борича есраб-авайлаганликларини, уй-жойларни безашда ўзбек анъанавий нақшларидан фойдаланганликларини айтиб ўтмоқчимиз...

◆ Владимир Иванович Сбродов суҳбат учун раҳмат айтиб, жўнамоқчи бўлиб турганимизда тинмағур бир журналист яна бир савол ташлади. — Мистер Сбродов, ажойиб уй қурибсиз, ана шу кварталларда кимлар яшашини истар эдингиз?

◆ Бу янги уйда тошкентлик ишчи, хизматчи, олим, элчи, инженерлар яшайди. Кўчиб келадиган ҳар бир қанонда янги уйда бахт-саодат ва сўхат-саломатлик тилайдемиз. ...Владимир Иванович Сбродов билан учрашув бундан икки ой муқаддам бўлган эди. Эндиликда улар ўрни бетиришган. Тошкентликлар бугун-эрта янги уйга қўчиб келишди.

А. АБДУҚОДИРОВ.

